

Оила жамғармаси

ВА

10
сон

6 – 13 март
2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ЮРТИМ АЁЛИ

Баҳор ва ёшу қари барчамизнинг қалбимизга хузвархаш туйгулар баҳи этувчи 8-Март байрами... Онахонларимиз, опа-сингилларимиз, қизалоқларимиз байрами... Бу йилги байрамининг файзу таровоти бўлакча. Чунки, Президентимиз томонидан Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йилларинг мантиқий давоми сифатида жорий йиллимиз «Оналар ва болалар йили» деб аталди. Шу асосда «Оналар ва болалар йили» Давлат дастурни қабул қилиши. Унда Аёл - Онанинг, келажагимиз эгалари - фарзандларимизнинг соғ-омонилиги - оиласадаги жамиятдаги баҳту камолини кўлловчи кенг миқёсдаги табдирларни амалга ошириш равшан белгилаб берилган.

8-Март айёми арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг «Оила, Оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш» котибиши тури Танзила НОРБО-ЕВА билан сұхбатлашди.

- Танзила Камоловна, яқинда БМТнинг XXIV сессияси бўлиб ўтди. Мажлисида «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияга аъзо давлатлар катори Ўзбекистон делегацияси хам катнаши.

Аввало БМТнинг «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси республикамизда қандай амалга оширилётганлиги хакида сўзлаб берсангиз.

- Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллариниң кўлга киритгач, инсон ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро ҳужжатларга қўшиди. «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция Ресpubлика Олий Мажлиси томонидан 1995 йил ратификацияни қилинган эди.

Бизнинг республикамида мазкур Конвенцияни амалга ошириш, жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва амалий тенглигини таъминлаш ишлари асосан олти йўналища олиб борилди.

Биринчи йўналиш - хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан конунчилик асосларининг яратилиши. Конвенциянинг асосий қойдалари Конституциямизда, Оила, Фуқаролик, Жинотекодексларни ва бўйса конунларда ўз асини топган. Шунингдек, 70 та конунчилек ҳужжатлари хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга алоқадордир.

Иккинчи йўналиш - мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан институционал тизимнинг ташкил этилиши. Бу ўринда Республика Олий Мажлисингин бандлик ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси, Аёл ва оила муаммолари комиссияси, Вазирлар Мажхамаси, барча вилоятлар, туман ва шаҳарлар оҳимиллари таркибида Оила, опа ва болаликини ижтимоий муҳофаза қилиш котибиляларининг ташкил этилиши БМТ кўмита аъзоларида катта таассурот ўйғотди. Шунингдек, Оила, Аёллар муаммолари Боз вазир ўрینbosасига юқлатилгани хам ижобий баҳоланди.

Учинчи йўналиш - хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мониторинги ўтказилётганидир.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан республикамида Олий Мажлисингин инсон ҳуқуқлари бўйича валили (Омбудсман), Омбудсман қошибадиги фуқароларнинг конституционный ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш комиссияси, мамлакат Парламенти қошибадиги Амалдаги конунлар мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази фаoliyat кўrsatmoқda.

Омбудсман ва Республика хотин-қизлар қўмитаси хамкорлигига хотин-қизлар ҳуқуқларини амалиётта тад-

ни мустахкамлаш борасида ижобий натижаларга эришмоқдалар.

- Хукуматимизнинг хотин-қизлар масалалари юзасидан ўргизаётган фаoliyatiга БМТ анжумани катнашчиларининг баҳоси ҳамда бу борада ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳакида тутхалсангиз.

- БМТдаги маърузамизнинг асосий қисми хотин-қизлар учун билим олиш, тиббий хизмат кўrsatishiда тегнлик, кулял меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи, уларнинг иқтисодий ҳуқуқларининг амалдаги таъминланши, хотин-қизлар учун янги иш ўрнинларини ташкил килиш, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Айниқса, Ўзбекистон ялии ахолисининг саводли эканлиги, олий ёки ўрта маълумот азаси бўлғатланарнинг ҳар иккинчиси аёл эканлиги, олий ўқув юрти талабаларининг 37 фоизи хотин-қизларни ташкил этиши ҳамда юртимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Конун ҳайтга жорий этилаётганлиги, истеъоддли ёшларни кўялаб-куватловчи маҳсус жамғармаларнинг ташкил этилиши, Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсиси этилиши анжуман иштироқчиларни ҳайратга солди.

Анжуманда иштирок этарканимиз, бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан мисли йўқ, сиёсат ўтказилётган бир даврда бошка мамлакатлар хотин-қизларни эрқаклар билан тенглик, қашшоликдан чиқиши, билим олиш ёки тиббий хизмат олиш учун ўз ҳуқуқларини талаб килаётганларига гуво бўйдик.

БМТнинг маҳсус Комиссиясида Ўзбекистонда хотин-қизлар масалалари ижобий ҳал қилинаётганлигини қайд этилди. Улар томонидан 200 га яқин сабоҳлар берилди.

1997 йилдан бўён Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод ва нийоят Оналар ва болалар йиллари муносабати билан мамлакатимизда жорий этилаётган маҳсус давлат дастурлари ва уларга сарфланётган ҳаражатлар, аёл ва оила, аёл ва маҳалла, оила ажримлари, ёшларни ҳайтга тайёрлаш, оиласда эрқакларнинг ўрни каби масалаларга катта ғэтибор қартиди.

«Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция қоидарининг Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалиётта тадбиг этилиши БМТда ижобий баҳоланди ва бу борадаги фаoliyat давом этирилиши лозимлиги тавсия килинди.

Хукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъиҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини кўrsatmoқда. Республикаимизда йилдан-йилга оналар ва болалар ўлими камайиб бормоқда, аёллар ўртасида учрайдиган турли экстрагенитал хасталикларни даволаш ишлари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, оиласий ажримлар, балогатга етмасдан турмуш куриш ёки турмуш курмасдан она бўлиш ҳоллари ҳам борган сарп камайиб бормоқда.

Бизнинг оддимизда хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг фаоллигини янада таъминлаштириш, қишлоқдаги опа-сингилларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, улар учун иш ўринларини ташкил қилиш каби муаммолар - дозларб масалалар бор.

Мамлакатимизда Аёлга - онага кўrsatilaётган этибор, хурмат-эъзоз хотин-қизларга бекиёс куч, рух бағишлади, мукаддас Ватан равнаки йўлида фидойи бўлишига ўнайди.

Мен шу ўринда барча онахону опа-сингилларимизни гўзл байрамимиз - 8 Март билан табриклаб, уларга энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ сұхбатлаши

Байраминиз муборак!

«Умр йўли». Рассом М. АШУРМАТОВ
асари асосида коллаж.

биқ этилишини назорат қулуви маҳсус Маслаҳат-тахили

Тўртинчи йўналиш - мамлакатимизда хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари фаoliyatining таъомиллашишидир. 2001 йилга келиб 100 га яқин нодавлат ташкилотлари хотин-қизларининг жамиятдаги ўрнини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини яхшилаш, касбга ўргашиб ташкил килиш мусадидати юзасидан барча даражадаги хотин-қизлар кўмиталари билан яқин ҳамкорликда фаoliyat кўrsatmoқдалар.

Бешинчи йўналиш - хотин-қизлар ҳуқуқларни ва эркинликларни бўйича ахоли тарифида тарифибот ва ташвиқотишиларни ривожлантиришди.

Олтинчи йўналиш - хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишларидир. Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари катор давлатларининг тегишили ташкилотлари билан алоқалар-



“Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироги, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз”.

И. КАРИМОВ

МУКОФОТ МУБОРАК

Бизга нафосат, гўзалик, ёшлил, яшариш байрамларини бошлаб берувчи баҳорининг илк кунларида юртимиз бўйлаб яна бир хушшабар таркалди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Каорига асосан адабёт, маданият, санъат, фан, таълим шўалишилари бўйича ўзининг ноёб истеъодини намойиш этган бир гурӯх иқтидорли қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Биз Зулфия мукофоти соғириндорларини қизгин муборакбод этиларни. Ватан шағири-шавкати, эз баҳтсаодати ўйлида ҳормай-толмай интилиб, изланниб яшаларини тилаб қоламиз.

**Зулфия номидаги
Давлат мукофоти билан
тақдирланганлар:**

Мамутова Диана Сабитовна - Коракалпогистон Республикаси Кўнгирот туманинг 83-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Қўчкорова Хилола Норқўзиевна - Андикон Давлат университети “Ботаника ва экология” кафедраси ўқитувчиси.

Рахмонова Навбахор Халиловна - Бухоро вилояти Шоғиркон туманинг 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Ражабова Дилфуз Шавкатовна - Жиззах Давлат педагогика институти кошидаги иқтидорли ўқувчилар лицеининг 11-синф ўқувчиси.

Холматова Шахноза Бахтиёрқизи - Кашқадарё вилояти Шахрисабз тумани Алишер Навоий номидаги 102-ихтинослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Исанова Зебинисо Холмуровдана - Навоий Давлат кончилик институти кошидаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси.

Мирзакларова Холида Тўрэмизраевна - Наманган вилояти Янгиқўргон туманинг 33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Аскарова Гулжамол Шодмоновна - Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани “Хилол” газетасининг ходими.

Зойитова Шахло Набиевна - Сирдарё вилояти Мехнатобод тумани халқ таълими бўлимиш ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси, 1-мактаб ўқитувчisi.

Холмуродова Зебунисо Баходиржоновна - Сурхондарё вилояти Сарисюй туманинг 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Турғубоевна Гулноза Тоштимировна - Тошкент вилояти Паркент туманинг 12-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Тешабоева Мухайё Жўрабоевна - Фарғонада вилояти Риштон туманинг 12-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Рўзметова Малоҳат Эркинбековна - Хоразм вилояти Богот тумани Бобур номидаги 1-мактабнинг бошлангич синф ўқувчиси.

Тўхлиева Наргиза Бокижоновна - Тошкент шаҳар Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицеининг 11-синф ўқувчиси.



ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналист аёллар учун 8-Мартга бағишлаб байрам тадбири бўлиб ўтди.

Журналист аёллар клубининг

райиси Мўтабархон Каримова бошчилигида ўтган бу анжуманда шеърлар, куй-қўшиклар янгради, мукофотлар тарқатилди.

Шунингдек, байрам тадбири

га Мукимий номидаги мусиқали драма театрининг бир гурух санъаткорлари ўз куй ва кўшиклири билан файз киритиди.

**О. НУРМАМАТОВ
туширган сурат**

ҚАРДОШЛИК ҚУТЛОВЛАРИ

DW Бутун Ўзбекистон халқини улуг айём - Курбон хайит байрами хамда гўзал аёлларни баҳор ва гўзалик байрами - 8-Март билан табриклайман.

“Оила ва жамият” газетаси мухлислирга, бутун Ўзбекистон халқига соғлик ва омонлик, барқарорлик ва тинчлик тилаб қоламан.

**Мурат ЭРТОРЕР,
“Демир” шўйба
корхонаси ижроия
директори**

Мен Мустақиллигининг шонен 10 ийлигини нишонлаш арафасида турган кардosh юзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Курбон хайити (ийд-ал-адха) билан хамда меҳри дарё оналар ва бир-биридан сувул қизларни Халқаро хотин-қизлар байрами - 8-Март билан чин қалбимдан табриклайман.

Ўзбекистон ва Туркия халқарини илдизи бир бўлган

даражатга ўхшатган бўлардим. Тилларимиз, кадрията-римиз, хатто байрамларимиз ёҳм ўхшаш, ўзакдошдор.

Мен кардош юзбекистон халқига, оналирга тинчлик ва хотиржамлик тилаб қоламан.

Юртингизда хамиша тинчлик

ва осойишталик ҳукм курсини.

**Вадет ЗАИМ,
SHARK MIR LTDга
карашила “MIR”
супермаркети
Бош директори**

ЙЎЛЛАРИНГИЗ ГУЛГА ТЎЛСИН!

Ўзбекистон халқини барча мусулмонларинг кутлуг айёми Курбон хайити ва ўзбек диёридаги барча хотин-қизларни гул ва баҳор, гўзали

лик байрами билан элчиноназ номидан табриклайман. Уларга соғлик, саодат ва фарзандларининг камолини кўришдек эзгу баҳт ёр бўлишини истайман.

Оналар ва болаларга аталган

ушбу йилда ўзбекистонлик барча хотин-қизларнинг юрган йўллари баҳорий гулларга тўлсин!

**ЧАНГ ХУН,
Корея Республикасининг
Ўзбекистондаги элчиси**



СИЗ - ИЛҲОМИМИЗ ЧАШМАСИ

Рассомлар аёлларни илҳом чашмаси... гулларга қиёслашади. Аёлларимизни улуг ай-Хақиқатан ёҳм аёллар ёмлари - 8-Март билан гўзалик, нафосат рамзи, чин қалбимдан табриклайман. Доимо соғ-салоҳмат бўлишишин. «Оналар

ва болалар йили»да барча эзгу тилаклари ижобат илҳом, ижод манбаидир. Дунёдаги эзгу баҳт санъат асарлари, энг гўзал

хароратли шеърлар, энг буюк кашфиётлар Аёлга бўлган муҳаббат туфайли бунёд бўлган. Чунки, Аёл - она, Аёл - бунёдкор, Аёл

тарк этмасин.

**Орик ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ
рассоми, Ўзбекистон
Бадиий Академияси-
нинг фахрий академиги**

**ЎЗБЕК
АЁЛЛАРИНИНГ
КЎРКИ ЎЗГАЧА...**



Мен санъаткорман. Ҳизматимиз такососи билан жуда кўп мамлакатларда бўлганимизда аёллар борасида бир нарсага аҳамият берганиман. Бошқа юртдаги аёллар ёҳм ўз холича гўзал, меҳнаткаш. Бирор ўзбек хотин-қизларининг файзу-таровати ўзгача эканлиги рост. Уларнинг кўчада юришлари ёҳм, оила даврасидаги муносабатлари ёҳм ниҳоятда латиф ва шарқонаки, уни таърифлашса сўз топиш киин.

Аёлларимизнинг гўзалигини баҳорга киёс этишади. Бу бежиз эмас. Ахир аёлларнинг юзиданда, ҳар сўзидан-да баҳор ва гул иси уфураётгандек тувилини рост-ку! Уларсиз дунёнинг хувиллаб қолиши ёҳм айни ҳакиат.

Мўтабар юналаримиз согу-саломат бўлишсин. Бу дунё ҳеч кимни она мөрзидан бемахалда айримасин. Қадим-қадимдан аёлларимизнинг гўзалигини рассомлар бетакор асарларида яратишган бўлса, шоирларимиз улар ҳақида дилбад ашъорлар ёзишган. Ҳар бир санъат асарининг энг юқорисида мунис оналиримиз, фариштасиyrat келинчларимиз ва лобар кизларимиз сиймоси турди.

Мен шу азиз ва табаррук заминимизда яшайдиган хотин-қизларимизни баҳорнинг энг гўзал байрами - 8-Март билан Ҳамза театрининг барча санъаткорлари номидан муборакбод этаман. Янги асримизнинг иш баҳор байрами уларга бир олам шодлик келтиришини тилаб қоламан.

**Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон
халқ артисти**

**ХАР БИР ОИЛАГА
БАХТ-САОДАТ
ЁР БЎЛСИН**

Ўзбекистон халқи 1,5 миллиард мусулмонлар қаторида

бир-бирига бўлган меҳру оқибатлари билан Курбон хайитини муносиб кутиб олмоқдадар.

Имкониятдан фойдаланиб ҳалқимизни мукаддас Курбон хайити хамда баҳордек гўзал, күёшдек чехрали мўтабар онахону, опа-сингилларимизни 8-Март аёми билан чин юракдан кутлаймиз. Омонлик,

бахт-саодат ҳар бир оиласига ёр бўлсин.

**М. АБДУВАҲОБОВ,
“Зарафшон”
ресторани жамиятни раиси**

ОЛАМ ГҮЗАЛЛИГИ СИЗДА МУЖАССАМ МУХТАРАМА АЁЛ



ВАТАН ДЕБ ЯШАСИН...

Оналик бахтиярин хислатларидан маст, Фарзандин қошида парвона жонман. У масым жилмайса кулада олам, Фарзандга жон фидо, мөхрға конман.

Мехрим булогига қондирай уни, Бир умр бу хисга бўлмасин ташна. Кариндош-уруги, элу юртига, Мехри бўлсин унинг туганмас чашма.

Калбига Ватан деб атальмиш сўзни, Кўкрак сутим билан ёзиб кўяйин. Оқ сутни меҳрнинг риштаси килиб, Фарзандим шу юртга маҳкам боғлайн.

Бу ришта мустахкам, узолмас ҳеч куч, Кучли довулга ҳам беради бардош. Бу ипни узолмас ҳеч биттағаним, Ватанфуруш ҳеч бўлолмас йўлдош.

“Алп” деган сўз билан чиқарай тилин, Алломиши бўлсин мустакил элнинг. Тўмарис деб чиқсан кизимнинг тили, Шу каби онаси кўпайсан халқнинг.

Шу юртга тўкилган Жалолиддиннинг Киндиғидан оккан бир томчи пок кон. Шундай мард ўғлонга ватандошлиги Келтирисин боламга доим шараф-шон.

Темурдек аждоднинг насли эканин Онгига сингдрай, асл эр бўлсин. Ватан хоинлари билан курашда Темурдек курашсан, мисли шер бўлсин.

Юртимнинг сарҳадсиз кенгликларини Фарзандим кўзига жойлаб кўяйин. Кўз очса, кўз юмса, шу юрт кўринисин, Ватан деб яшасин, Ватан деб ёнсин.

Шунда мен энг бахти она бўламан, Юрагим фахрга, шодлика тўлгай. Шунда мен боламдан рози бўламан, Шунда фарзандимни Аллоҳ кўллагай.

Халима САМАНОВА

Сирдарё вилояти,
Ховос тумани

ЮЗИНГИЗ ОФТОБДАЙ...

Юзингиз офтобдай нур таратувчи, Кўзингиз сеҳрдан ишқ яратувчи. Оламин ўзига хуш каратувчи, Илоҳий мўъжиза жамолосиз, Сиз аёлсиз. Сиз-ку аввалбошдан оламга тиргак, Ишқ, имон йўлида события сергак. Сиз борсиз икболга ёрдир ҳар эрқак, Бахтиёр мўминга жуфти ҳалолосиз, Сиз аёлсиз. Сиз она - дунёни пинжига олган, Сиз келин - бешинка термулиб толган. Аллоҳ кўксингизга меҳр, ризқ соглан, Ҳар фарзанд кўйида озурдахолосиз, Сиз аёлсиз.

Туйганим, билганим, боримни ёздим, Кўйганим, андишам, хоримни ёздим.

Сўйганим, дилда дард, зоримни ёздим,

То киёмат қадар офтобжамолосиз,

Сиз аёлсиз.

Дўстмуҳаммад ДЎСТ,
Тошкент давлат юридик
инstituti қошидаги академик
лицией ўқитувчisi

МЕНИНГ ЖОНИМСИЗ

Онажоним, менинг жонимсиз,
Хафа куним - меҳрибонимсиз.
Ҳаёт ёли эгса қаддими -
Тиргувчим, ҳам посонимсиз.
Дилда не кечади, сўсиз сезгувчи,
Эркалансам кувончи или кулгувчи.
Танҳогинам, нияти эзгу - Сиз,
Хато килсам, виждонимга кўзгу - Сиз.
Ҳаёт мен-чун, билсангиз бир ўйнандир.
Юзингизда култу кўрмок - тўйимдир.
Ранжиган кунингиз менга - ўлимдир,
Дўстларидан дўстсиз, Улусиз сўсиз!

Фарход РИХСИЕВ

Жиззах шахри

ГЎЗАЛ ГУЛЛАР КАБИ...

Гўзал гуллар каби бекиёс аёл,
Етти бор эгилиб сўрар бўлса ҳол.
Тенги йўқ оламда гўзаллар гули,
Одобда гўзалрок бўлмаса аёл.
Танҳолидка буюн пайғамбарлар ҳам,
Аёлга бош эгди, азиз онам деб.
Тенгис гўзаллик ҳам топилмас эди,
Бу қадар оқила бўлмаса аёл.

Махмадаст САДИНОВ

Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани

ЎЗБЕКНИНГ ФАХРИЮ ҲАМ ЭРКАСИСАН

Жуфти ҳалолига содик вафоли,
Узокда бўлганда паноҳ ҳаёли.
Вафода ягона, ҳаё, иболи,
Дунёда тенги йўқ ўзбек аёли.

Қолишмайди хуснинг парио, хурдан,
Оташ нигоҳларинг жаннатий нурдан.
Марваридсан, аъло бир шода дурдан,
Дунёда тенгисизим - ўзбек аёли.

Сурмалар кильсинар хоку, пойингни,
Тенги йўқ оху кўз, кошу ёйнгни.
Жойнамоз билсинар юрган жойнгни,
Дунёда тенги йўқ ўзбек аёли.

Саронжом саришта уй бекасисан,
Ўзбекнинг фахрию ҳам эркасисан.
Мухабат юртнинг маликасисан,
Дунёда тенгисизим - ўзбек аёли.

Дилдора АЪЗАМОВА

Навоий вилояти



ДАРДКАШИМ

Шоирлар бор ўз шеърида,
Мадҳ этади ўз ёрини.
Шоирлар бор жўшиб кўйлар,
Она-Ватан, диёрини.

Онажоним менинг дардим,
Олгувчи дардкашимдир.
Меҳрибоним юрагимни
Билгувчи сирдошимдир.

Гар ёнимда сиз бўлсангиз,
Ўзимни хуш сезарман.
Меҳрингиз оламида мен,
Мисоли күш учарман.

Барно СУЛАЙМОНОВА

Тошкент

ташкилотлари билан ҳамкорликда кўп болали мухтоҳ оиласлар, етим ва ногирон болаларга кийим-кечак, оёқ кийимлари ва юмшоқ ўйнинчолар хайрия килинди.

Ўзбекистон Болалар жамғарма-

МЕХРУ САХОВАТИМИЗ БОЛАЛАРГА



Яқинда Ўзбекистон Болалар жамғармасининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда 2000 йилдаги иш фаолияти якунлари ва “Оналар ва болалар йили”

Давлат дастурининг бахарилишини таъминлаш борасидаги вазифалар мухокама этиди. Республика Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова Пленумда сўзга чиқди.

- 2001 йили - «Оналар ва болалар йили» «Соғлом авлад йили»нинг мантикий давомидир, - деди у. - Чунки, аёлни фарзандсиз тасавур килиш мумкин эмас. Жумладан, ўтган йил давомидида етим ҳамда ногирон болаларга яқиндан ёрдам бераби, муруват

терпарт Интернейшнл, “Ворлд Концерн”, ПЭРРЦА, “Мерси пројект” ҳалкаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тобора яхшилини борилаётганилигидан далолат.

2000 йилда Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан 900 нафар кам тавъимланган оиласлар болалари, етим ва ногирон болаларга беш ярим миллион сўмдан ошик маблағ сарфланди. Шунингдек, йил мобайнида ҳалқаро хайрия

си Арманистон Республикаси “Норк мараш” кардиохирургия Маркази ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига кўра республикамиздан оли нафар бола даволаниши.

Хозирги кунда ёшларнинг ўқиб-излашишилар, қасб-хунар эгаллашшилар учун жойларда куляш шарт-шароитлар яратилмоқда. Болаларнинг тарбиясига ётиборсизлик қатор кўнгилсиз ҳодисаларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаолиятидан

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда гиёвандликнинг фохеали оқибатлари ҳакида “Буни сен билишинг керак” деб номланган буклетлар тайёрланди. Шунингдек, “Кўна болалар” дастури бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳам ҳозирги кунда ижобий самара бермоқда. Жорий йилда ҳам кўп болали, етим ҳамда ногирон болалар, меҳрибонлик ўйларидан ва интернатларда тарбияланётган болаларни моддий, маънавий ва ҳукукий муҳофаза қилиб, кўллаб-куватлашга қаратилган чора-тадбирларни аниқ белгилаб олганимиз. Бу борада ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтишимиз зарур.

Анжуман давомидур “Кундуз” акциядорлик жамияти томонидан кам таъминланган оиласлар фарзандларига мўйинли пўстинлар хада этилди.

Пленумда “Оналар ва болалар йили”да Республика Болалар жамғармаси ва унинг бўлимлари олида турган ишлар режаси аниқ белгилаб олинди.

Ф. ТОХИРОВА

Суратни О. НУРМАМАТОВ олган

УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ШИ ТУТИНГ!

"Онамдан бой бўлиб тутмаганман" - 44-сон

ЭСЛАТМА: Д. билан дўстлигимиз севигига айланди. Д. мени жуда қаттиқ севарди. Ишлаб бир хонали уй олгач, унга совчи юбордим. Ота-онаси рад жавобини бериди.

Р.

Хурматли укам Р.! Хатингизни ўқиб, жуда таъсирландим. Ҳакиқатан ҳам боши берк кўчага кириб колибисиз. Беихтиёр бир воқеа ёдимга тушди.

...Бир ўзига тўк аёл ўғлига келин қидириб бир маҳалла га борибди. Сўраб-суршилтирса мақташибди. Аёл бориб ўша ўйнинг дарвозасини кокиби. Уй бекаси чиқиб дарвазони очиб, ичкарига таклиф қилиби. Аёл ҳовлидан ўтиб ўйга кириб мундоқ қараса, эски шолча солиб кўйилган экан. Ҳаёлдан дарров "Шұнча йил яшаб, ишлаб дахлизга битта гиласи солиб кўйин кўлларидан келмабди, буларни, қизи қандоқ бўларди", деган фикр ўтибди-ю, ҳадамай бурилиб чиқиб кетибди. Она бечора нима деб ўйлаши ҳам билмай, ҳайрон бўлиб қолаверибди. Яхши ҳам ўша аёл чиқиб кетгани. Мабодо ўша қизни келин килганида борми, бечора қиз таъна-маломатдан боши чиқмаган бўларди.

Энди сизга келсак, ўзингиз ўйлаб кўринг. Ўша қизни олиб, қишлоғингизга қочиб кетдингиз ҳам дейлик.

Биринчидан, "қиз бола ота фотиҳасини олиб ўйдан чиқ маса баҳтсиз бўлади" деган гап бор. Мен бу гапга қўшиламан.

Ўз ота ўйнингдан оқ либосда, карнай-сурнай билан, оқ фотика олиб чиқиб кетганинг каёда-ю, кўркиб-пусиб, яширинча, шунчага йил орзу-хавас кўраман деб авайлаб вояга етказган ота-она юзиға оёқ қўйиб қочиб кетган каёда?

Сиз ҳали уйланиб фарзанд кўрмагансиз. Фарзанд катта килиш нақадар машакқат эканни ақалли тушуниб етмагансиз. Худо сақласин-у, ўзингизни Д.нинг отаси ўрнига қўйиб кўринг. Қизни не бир орзу-хавас билан ба-логат ёшига етказсангиз-у, энди узатиб орзу-хавасини кўраман, деб турганда, қизингиз бир йигит билан қочиб кетса, не ахволга тушардингиз?

Иккинчидан, Д. ҳали ёш. У севги-муҳаббат абадий, фас-қат севганим билан қочиб кетиб бўлса ҳам яшасам баҳти бўламан деб ўйлашти. Асло ундей эмас. Қиз бола ота-онасиникада юрганида билинмайди, кейинчалик роса ота уйини соғина-ди, кўмсади. Д. қочиб кетганидан кейин уни ота-она, қариндош-уруғи кечиравми-кан? Юзи шувут, доимо юра-

ги фаш, ичда алам, армон - уни ҳеч қачон тарк этмайди. У ҳеч қачон сиз билан ўйнаб-кулиб, янги келинчаклардай очилиб-сочилиб яшай олмайди.

Учинчидан, били-

шимча моддий ахволингиз у кадар зўр эмас, топган-тугланингиз ўй сотиб олишга кетади. Сиз Д.га хоҳлаган нарса-сини олиб беролмайсиз. Д. ўйдан қочиб чиқса, ўзи билан нарса олиб чиқолмайди. Ҳамма нарсани ўзингиз олиб беришингиз керак. Ҳалқимизда: "Келинни ўзингдан камбагорини танла, қизингни бойроқа бер", - деган ўғит бор. Катта еб, катта кийян қиз кейинчалик сизга мослашиб кетармикан? Қишлоғингизда хали сизга иш топладими ўйум? Ота-онанига нафа-қаҳхур бўлса? Агар Тошкентда колсангиз, Д.нинг яқинлари сизни тинч кўйишармикан?

Яна бир воқеа ёдимга тушди. ...Олийгоҳда ўқиб юрганимда тошкентлик Гулноза деган дугонам бор эди. Жуда келишган, чироили қиз эди. Ота-онаси бой, ўзига тўк эди. Уям худди Д.га ўшшаб қашқадарёлик бир курсодиши билан севишиб қолган эди. Охири йигит совчи жўнатди.

Табиийки, ота-онаси уни бир камбагар, узоқдаги йигитга бермадилар. Шундуна улар қочиб кетишига келишиди. Айтилган куни Гулноза шартлашган жойга бориб турди. Нимайм бўлди-ю, йигит шу куни келмади. Гулноза ўйига қайтиб кетди. Кўн ўтмай, уни тошкентлик яхши бир оила ўғлига унаштиришиди. Гулноза йифлай-йиғлай турмушга чиқди. Тўйдан бир йил ўтгач биз йўқлаб ўйга бордик, у ўғличали бўлганди. Эри икколови бир-бирини жуда хурмат килар, хуллас у баҳти эди.

"Яхшиям ўша куни у көломай қолгани, мен узоқни ўтмай иш тутоқми бўлган эканман", - деди Гулноза бизга. Сиз ўзингиз Д. билан гаплашиб ота-онаси олдига боринг. Очичасига ҳамма гапни айтилгар, тушунтиринглар. Тўйин Қашқадарёда ўтқазиб, кейин Тошкентда яшаймиз, деб қўринг. Агар кўнсалар нур устига нур. Кўнишмаса, Д.дан воқешиб кўя колинг. Ёш экан-сиз, ҳали тенгингизни албатта топиб, сиз ҳам, Д. ҳам баҳти бўлиб кетасизлар. Тумуш - бу машақатли нарса, узоқни, келажакни ўйлаб иш тутила, максадга мувофиқ бўлади. Сизларга баҳтавомади тиляб қоламан. Сиздан имтимос, шу хатни Д.га ҳам ўқитсангиз яхши бўларди.

Наргиза КОБИЛОВА
Тошкент шахри

УМРИМ САРҲИСОБИНИ ҚИЛСАМ...

"Яхши бир қиз билан танишсан" - 6-сон

Кўйиган юракнинг икрономасини ўқидим-у, вакт ўтиши билан қиз билан учун ёқимсиз байрамга айланадиган тутғилган куним арафасида бўлгани учуним, мен ҳам ўтган йигирма тўрт йиллик умрим сарҳисобини килдим.

Салом ноташни таниш. Сизга нима деб мурожат килишга ҳам хайронман. Фақат ўзини донон сисоблаган каландимоғи йигитчами, ёки ўзуз-кун келишган қоматига ўзи маҳсул олифта йигитчами таҳсилга ҳаёт деб атальмиши шаҳфатсиз оловдан куйганинам. Ишхонамдаги ҳам обрўйим яхши. Лекин ҳеч қачон бу орқали ўзини бошқалардан устун тутмаганман, ўзимга нарх кўймаганман. Дугоналарим ҳам фақат оддий, содда одамлар бўлышган. Ким билин балки шунинг учунни бошқаларга оғир дамларда бўрдамчига айланаб қолдим.

Худо сизга ўшшаб таҳт берди-ю, баҳт бермади.

Менинг бу кинояларим оғир ботмас. Чунки бундай кибрухово ҳатто Яратганга ҳам мавзул келмас эди. Юсуф алайхисалом киссаниси биласизми?

Юсуф алайхисалом бир кун

оғир ботмас даргоҳ.

Мен оиланы Қаъбадан сўнг

иккинчи ўринда кўйиган бўлардим.

Бу даргоҳга ҳам бўлардам

кириб бўлмайди. Бу даргоҳда

шошқалоқлик билан хулоса чи-

кариши, унга хиёнат килиш

Яратган учун ҳам ёқмайди.

Ҳаётнингизни қайта бошлаш

имкони туғилган, энг асосийи

- оила куриш масбутияти

ни тушунганинг катта гап.

Мактубингиз сўнгидиги ўзинги,

келаҳагингизга ишон-

чингиз, ташини кўйиб

бўлсангиз, нонни катта

тишласанг ҳам, катта

гапириш, дейишган.

Сиз ўшланингиздан ўз

хәётнинг пойдевори

ни нурашига сабаб бўлган-

сиз. Бир "ѓозал" сабаб ҳаётда

кағити қадам ҳам, ношуд

аёлнингизнинг ўзгача табиати

ҳам сиз ўзгандек уларнинг айби

эмас, балки Яратган томонидан

ўзингиз яратган хәётнингизнинг

чукур жарига салгина итарувчи

бир сабаб бўлганолос.

Биласизми, бизнинг хәётда энг

Иккимиз ўртамида бир қадар ўшашлик ва катта фарқ бор.

Мен ҳам мактабда аъло баҳоларга ўқиганим учун бошқалардан хамиша ўзимни устун деб хисоблардим.

Келгуси ҳаётда ҳам энг баҳти оила

соҳиби бўламан, деб ўйлардим. Афсус-ки, қаттиқ янглишибман.

Кўйиган юрак

оғир ва катта хатомиз нима?

Биз ўзимизга нима ёқинини, нима хоҳлашимизни жуда яхши биламиз, аммо ҳаётда бўзига баллашмади. Афсус-ки, қаттиқ янглишибман.

Яратгандан кимнидир бирга бўлишини сўраймиз, алланимларни хоҳлаймиз-у, бу бизга баҳт берадими, бу ишлар яхшиликка бошлайдими ўйлаб ҳам ўтирамиз.

Эшитганимиз, акли одал йўлда тошга коқилса, яна коқилмаслиги учун уни олиб ташалар экан. Файласуф эса йўлда олдиндан коқилмасликкорасини килар экан.

Сиз энди ақлисиз. Иккинчи бор коқилмаслик учун қатни хам пулфайзис.

Ким билисин, балки мен файласуфдирман. У йўлларда коқилишдан юрагим безиллаб, у кўчаларга бўйлашга ҳам кўркмарман (ҳазил, кўз кулиб, калб ўйлагандан ҳазил), унда факат баҳтилилар яшарди.

Канийди, Ҳайём ёзганидек фалакка ҳўм этар таргидек даргоҳда бўлсан дунёдан ҳамма баҳтилизликка сабабчи иллатларни супуриб бир олам яратардимки, унда факат баҳтилилар яшарди.

Йигит бошингиз омон бўлсин. Колгани бўлса, масалан дўпни ҳар доим топилади.

Юраги кўйиган акагинам, бир синглингизни сўзларини оғир олмассиз (кораламада жуда кинояларга тўла...)

Баҳтли бўлинг ва ҳеч қачон

Худодан баҳт сўраганни уйламн.

ДИЛФУЗА

Тошкент вилояти,

Оққўргон тумани

КЎНГИЛАНИ ЧЎКТИРМАНГ

"Ота-онаси қолган эдим, эди эса..." - 43-сон, 99 йил.

ЭСЛАТМА: Ота-онадан эрта айрилдик. Иккиси ҳам ўзим қаради. Қанча изтишор чекдим. Яқинда эса бошишимга мушуклиши тушуди, ҳеч ким ёрдам қўлни чўзмади. Ўзимни дунёда ёлгиз хис этдим.

В.

Дилингга ҳасратлар экиб қўйдими - Нечун қўзларингда мунг бор сингилжон?!?

Файбатдан солай деб эр кингла кишин,

Фанимлар килса-да, калбингни нишон.

Ёришгай ойнинг ҳам ўнбеши ишон -

Каро тун ортида кун бор сингилжон!

Яхшиси маломат тошлари чўксин,

Кўйдирсан надомат номардлар кўксин.

Тошларни ёролган гул каби ўсгин -

Кўнглингни чўқтирма зинхор сингилжон!

Файрлар барим бир уятга қолгай,

Жамолинг кўпларни кўзини олгай.

Камолинг дилларга ниятлар солгай -

Бир гулинг очилур минг бор сингилжон!

МУҲАББАТ

Наманган вилояти,

Тўракурғон тумани

у шарни ўзигини мисраларини ҳавола килмоқчиман:

Фавғолар ғашингга тегиб қўйдими,

Иғволар бошингни эгиб қўйдими.

6 Оила ва жамият



Қадрли Нодира АХМЕДОВА
ва қизимиз АЗИДА!

Сиздаги шабалдуң алғыннаның билан салымниң күштегіміз!
Сизде солник, әзіз, үмр ба баста ер білсін!
Сизде маңтал білік, күкілде парланың ой,
Сизде маңтал білік ғафакар құш.

Азір әттініңда лиши еш күшті,

Шони әдем жыныснан күштегімокда бош.

Муғабар құшында күп, муғабар синилім,

Муғабар үздерінде ганаңан ән.

Истемім, пұрағадан үздесте яса,

Сизде әдем этиңдең көзінде, ой, қүш.

Оила азсоларингиз

Торт ва пишириклар пиширишинг
оддий вә олім курсинің ўргатаман.
Телефон: 162-67-86

Замонавий «Элита» усулида пар-
далар тикаман тикиш усулла-
рини ўргатаман.
Телефон: 162-67-86

Озиш, семириш, ажин, кабзият, хуснузарлардан
фориг бүлишга ёрдам берамиз. Маълумот учун те-
лефонлар: 74-71-29.

СОТИЛАДИ:
“Мерседес” 23 ОЕ 1989 йил.
Тел: 76-86-85

УЛАРДА ОНАЛИК МЕХРИ БОР ЭКАН

Бир куни эрталаб ойим мени үйгөтиб, кейин эса: “Бориб күйнларингдан хабар ол-чи, негайдір тушишмек кири чиқиши”, - дедилар. Мен ҳайвонларни жудам жашы күрәман. Тұты, бедана, тошбака, ит, мушук, типратикан, күй, тоқук жатто илончаларни хам боксынан. Хозир ҳам үйде тұты, бедана ва иккита күйнім бор эди.

Әттан жойимдан турмай кулиб сүрадим.

- Хо, алдаман! Күён ҳам одамнинг тушига киради, - дедім.

Ойим: “Билмасам кечаси билан күзимни юмдим дегүнимча күннің олдымға келиб, ҳали күлімдін тортағы, ҳали оғейим, эта-
гидан тортағы, үтіртасынан тиззатама-
тиззатама чиқиб олиб “тур”
дегандек итариғи. Бир неча марта үйонғын кетдім. Ҳеч үхлатишимді. “Бориб күрчи,
балки оқ қолышгандыр” - дедилар.

Мен күйнілар әттан катаға яқинлашаркан-
ман, үзінде оппоқ жүнлар күрінди. “Оббо
куйнімни бирор нараса еб кетібі-да”, -
деб үйладым. Бирок яқинроқ бориб қараб,
хайрон колдым. Ок күйнім үйласыннан біш-
шака бурчагида оқтап еб үтірді. Нега жүн-
лары тушиб колибди экан, деб қарасам,
унинг болачалары туғилибы. Ақтаппап
қаранг, ҳашаклардан жой тузыатиң тустига
оппоқ жүнларын тұшаб, болачаларын
әтқизған, кейин яна жүнлары билан үрәб
күйибы. Ҳурсанд бўлиб ойимнинг олдилари
га югуриб келдим.

- Ойикон суюнчи беринг, тушиңгиз үнгі-

дан келибди. Қүёнимнинг болалари ту-
тилибди. Қайнайланған бұлса керак. Шүннің
үзин сунизын әрдамга қақыран. Сиз эса
бильмасыз-да, - дедім.

Ойим: “Вой жониворгина, эсгинаң кур-
сиян, үнгін туғиши кераклигиниң унтутиб
күйімбен, - дедилар. Кейин эса қүшіп
күйдилар. - Бор болам, бүткен ҳа-
васынан, даршынан сүвек, оқшат бер, кей-
ин болаларни шамолдан четрекка олиб,
устыга лампочка әкіп күй, болалар кат-
та бүлгүнчика иситиб түриш керактир, -
дедилар.

Мен ойимнинг айтгандаридек қилип
уларни тарбиялай баш-
ладым. Бир ҳафтадан
сүнг үларнинг иккитаси
дадасидек кора, иккичи-
ниң онасидек оппок,
кулокчалары, бурунчаларыда қора ҳолла-
ри пайдо бўлди. Кундан кунга чиройлик
бўлиб, сакрап үйнаждыган бўлышди.
Онаси эса атрофига парвона бўлди. Бир
куни мен үларнинг үстини кичкина
қўрпача билан бекитиб кўйдим. Кейин-
чалик қарасам онаси ҳар куни болала-
рини әтқизиб худди меникүдек кўрпа-
чани бекитиб кўйдиган бўлди. Ҳайвон-
лардаги бу меҳрин кўриб койил колдым.
Хуллас ажойиб оила пайдо бўлди кол-
ди.

Тимур РЎЗИМАТОВ

Тошкент

БОБОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ БЎЛДИ

Бобоқалонимиз Исомухаммад эшон ҳакида
тошкентликлар, айниңа Олмазор маҳалласи-
дагилар ҳозиргача әслашса керак. Чunksi, у
вактларда бобомнинин доңғын кеттган, “сүф”
десалар сув ортига оқар экан.

Бир куни әкінларни сугориб юриб, пешин
намоз вакти бўлиб колибди. Бобомиз арик-
лардаги сувга термулиб, намоз үйкіб бўлгунмай-
ча сув ташып кетмасынкі, деб ўйлабдилар.
Шунда арик пуштасидаги кичкинагина, май-
мунга ўшаша маҳлукот:

- Тошмайди, тошмайди... дебди.

Бувам ҳам:

- Майли, сенга ишондим... деб,
намоз үйшиш кетибдилар. Кайтгач не күз би-
лан кўрсалар-ки, сув арик пуштасини кўмбі,
тоша-тоша деб турғанми. Ҳалиги жонзор
бўлса нуқул купар эмиш...

Бувам раҳматликин барваста, баланд бўйли,
кенг яғнини, оппоқ соколлар кўқисларига
тушган бакувват бол бўлган дейишиш. Жаҳул-
ларни чиқиб, кулиб турған жиннинг бўғзўдан
олидилар.

Шу захочиет сув ортига оқибди, намоз үйкіш
үчүн кириб кетаётгандаридан кай ахволда бўлса,
экинзор шу ахволига қайтибди.

Жин үн кунгаха бувамларга китобини қайта-
ришарларни, агар қайттармасалар етти пушт-
ларига тегмаслугини айтib ялинибди. Шун-
дан сўнгигина бувам жиннинг китобини қайта-
ришардилар. Бунинг эвазига жин эрталардаги-
дек уч дона соч толасидан берибди ва бирор
мушкүлтота дуч келгандаридан туашларини ва
пайдо бўйли ёрдам беришини, бирор тола-
лар йўқолган тақдирда уч кундан сүнг кўз
юмишларини айттиби.

Кунлар кетидан ойлар ўтибди. Бувам ҳар куни
китоб орасидаги толаларни кўздан кечириб
күйишни нутмабдилар.

Бир куни бувим үйни йигиштириб, китоб
орасидаги сап-сарық соч толасини кўриб

колибдилар ва “балога йўлиқсин, бу соч
кеардан келибди”, деб ташлаб юборибди-
лар. Ташлашга ташлаб юборибдилар-у, соч
тушган жойдан тутун чиқиб, ийк бўлиб кол-
ганини кўриб, ҳайратланибди.

Бувамларга воеанни баён этсалар, бувам
индамабдилар-у, фарзандларини, жигарлар-
ни йигиб, шундай дебдилар:

- Жигаргушаларим, мен сизларни йиги-
шимдан максад, уч күнлик умрим колди.
Мендан кейин ҳам ахил бўлинглар... Жано-
замни Ахмаджон шогирдим
ўйкисин. Тобутни кўттарганингиз-
да жала күяди. Кўрмакнган вади-
шада кадам қўйишингиз билан тинади.
Мендан рози бўлинглар,- деб рози-ризоли-
ли тилабдилар ва мол-мұлжаларини васият
килиб, бўлиб берибдилар.

Аввалига йигилгандар хайрон бўлишибди,
бувамнинг эси оғган деб ҳам ўлашибди.
Чunksi Ахмаджон шогирдлари ҳам са-
фардан кетган экан-да!

Аммо, уч ўтғач бувамиз айтгандаридек
хол юз берибди. Энди жанозани үзга-
рдомла үйимокчи бўлса, Ахмаджон шогирд-
ларидан одалар орасидан ёриб, шошиб-пи-
шиб, уринич-суриниб етіб келибди. Жано-
замга ўқилгач, шаррос ёмғир қўйибди. Мозорга
етта, ёмғир ҳам тинибди...

Биз, бобомнинин бешинчи авлодимиз.

Аммо, бизгача бўлган авлодларимиз ҳам

турли-сирли ҳодисаларга дуч келишган-у,

айтишларича жиннан сўзида туриб уларга

тегмаганлармиш...

Балки, уларни Аллоҳнинг ўзи асраран-
дир... Ким билсин?


Манзура САФАРОВА

Зангиота тумани,

Эшонгузар кўргони

№ 10 (489) 6 – 13 марта 2001 года

Oila va jamiyat



Севимли
келиномиз
ТУРСУНУЛЫ!

Сизни шабаккүд қуниңиз, Қарбон
жайни өз мағистарларидан.

Рахматилла ақам билан кўш-
кариб, оған оғанийнин ёшига кириб
ифниш.

Сизни ҳамиша
эъзозлагувчи
кайнисингилларингиз



Қадрли Нодира АХМЕДОВА
ва қизимиз АЗИДА!

Сиздаги шабалдуң алғыннан билан салымниң күштегіміз!

Сизде солник, әзіз, үмр ба баста ер бўлсан!

Сизде маңтал білік, кўкда парланы ой,

Сизде маңтал білік ғафакар қўш.

Азір әттініңда лиши еш кўшиб,

Шони әдем жыныснан кўшифокда бош.

Муғабар құшында күп, муғабар синилім,

Муғабар үздерінде ганаңан ән.

Истемім, пұрағадан үздесте яса,

Сизде ҳада этиңдең көзінде, ой, қўш.

Оила азсоларингиз

Торт ва пишириклар пиширишинг
оддий вә олім курсинің ўргатаман.
Телефон: 162-67-86

Замонавий «Элита» усулида пар-
далар тикаман тикиш усулла-
рини ўргатаман.
Телефон: 162-67-86

Азиз волида
мұхтарамаиз
ХУРСАНОЙ ва
жиянтийимиз
ДОСТОНЖОН!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан ўзи
дилан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Сиздаги бағдарнан
кўш айемлари ба
шабалдуң шонаң қуниңиз билан қүштегіміз!

Бу күшикни эшитганимизда бола әдик. Уни ўша пайтда ҳамма ёқтириган, хозир ҳам севиб тинглайдилар.

Бормикан онадек азиз

ширин сўз,
Умр күёш бўлса фарзанд
бир юлдуз.

Қандай бахт фарзандик
бурчин ўтамок,
Кумушдек сочини ўпид,
силаомок.

Фарзандим дедингиз,
чекдингиз захмат,
Онахон, онахон,

Сизга минг раҳмат...

Бу күшикни онамиз ҳам тингларди. Тинглардио кўзларидан ёшлари кўяларди. Биз

эса ширали овозга маҳлиё бўлардигу, лекин болалигимизга бориб кўшик мазмунини тушунмасдик. Бирор маромига етказиб кўйлайтган хонанда ҳам йигълатгандек тюларди бизга. Кишининг юрак-юрагига сингиб кетадиган бу күшикни ижрочиси эса ўзбекистон халқ артисти Фарогат Раҳматова эди. Яқинда хушовоз хонанда, таникли актриса Фарогат Раҳматова хонадонида бўлдик. Сухбат давомида ая онадан тўрт ёнда етим қолгандарини айтиб ўтилар. Менинг кулокларимда эса аянинг ўша кўшиги жаранглаб кетгандек бўлди. Чиндан ҳам кўшикка она соғинчи синггани сабабини англагдим.

- **Фарогат опа, илк бор қачон кўшик айтгансиз?**

- Асли Қаршида туғилганман. 8-синфда ўқиётган кезларим эди. Ўшанда қандайдир байрам муносабати билан Қаршига бир гурӯҳ санъаткорлар ташриф буюриши. Улар орасида М. Кориёкубов, Х. Носирова ҳам бор эди. Мен мактабда ҳам ашула айтиб турадим. Муаллимларим ўша куни ҳам кўшик айттиришганди. Шундан кейин менинг раҳбарлардан бири олдила-рига чакириди.

- Қизим, катта артист бўлиб танилиши истайсаним? Шиаликини овозинг бор экан? Балки Тошкентга олиб кетармиз, - деди.

Бу кутимаган бахт эди. Чунки биз синглим иккимиз бувим билан бирга яшардик. Бувимнинг руҳаси билан Тошкентга келдим. У пайтлар Тошкентда театр йўқ эди. Янгийўлга қатнардик. Мен кўшик айтиш сирларини ўргана бошлидим. М. Кориёвинг "Кўйгай" шеърига Юнус Ражбий кўй басталади. Мен кўшикни ўргангунча анча қийналдим. Лекин санъат қалбимга ўзининг меҳ-

рини согланди. Йўлумдан қайтмадим. - **Фарогат опа, сиз Муқимий театрида очилгандан бошлиб ишлаганинг сиз. Кўшикни айтиши билан бирга кўп ролларни маҳорат билан ижро этгансиз. Шулар ҳақида гапирсангиз...**

- Шу театрда 61 йил ишладим. Юздан зиёд спектаклларда роллар, кўшиклар ижро этдим. "Офтобойим"-да Офтобхон, "Қизил гул"-да Санобар, "Тоҳир ва Зуҳра"-да Зуҳра, "Алломиши"-да Барчиной, "Уч баҳодир"-да Дарижон, "Муқимий"-да Офарин каби ролларимни айникса севиб ижро этгансиз.

Гуноҳ қилганидан кейин эмас, балки

ри... **Фарзандлар... Баъзи аёллар эса фарзанд тарбияси учун вақтлари йўқлигидан нолишиди...**

- Агар кишининг қалбida истак бўлса ҳамма нарсага улгурди. Мен театрда ишлаб янги роллар ўрганардим, оиласа ҳам, фарзандларимнинг тарбияси ҳам ҳамиса вақт топганиман. Насиҳатни болалар бир уйда қолишарди. Уларга иш буюриб кетардим. Икки ўғлим - Хабибуллоҳон

- **Фарогат опа, сиз ҳаётда, оиласа бахт топган аёлсиз. Армонингиз ҳам борми?**

- Умримдан мамнунлигим рост. Фарзанду набираларим согу-саломат, пиро бадавлат бувижонман. Касбимнинг тақозоси билан республиканизм кўп кезганиман. Бир воқеа хеч ёдимдан чиқмайди. Ҳар гал шуни эсласам кўзларимда ёш қалқайди.

Аввало ота-она боласига кўз-кулок бўлиши керак. Бўлмаса фарзанднинг умри заволга юз тутади. Менинг ўзим ниҳоятда қаттиқўл эдим. Ҳали ҳамон набирави бўлишса-да,

фарзандларимни борганд, келган жойигача сўраб суришираман. Болаларнинг босган қадамини тераг

туриши зарар қилмайди. Батъан телевизор орқали кўриб ҳайрон бўлман, ачинаман. Ўғил олти ойлаб уйга келмас эмиши ота-онаси хавотир олмаса-я... Ўғил ҳам оиласи, ота-онаси борлигини ўйламаса... Бундай қилиши яхши эмас, ахир. Бу эса турли оқимларга кўшилиб кетишига, билиб-бilmай жиноят килиши олиб келади. Юрбошимиз бу йилин «Оналар ва болалар йили» деб ёзган қилганидан кўвондим. Оналар гапим шуки, ҳушёр бўлайлик. Бепарво бўлмайлик. Фарзандларимиз ота-оналарини севиша, хурмат қилишиша улардан хоинлар чиқмайди. Ватанини, тупрогини, онасини севган одамларгина эзгу ишларга қодирдирлар.

Суҳбатимиз устига аянинг кенжага ўғли хушовоз хонанда Азим Муллахонов келиб қолди. Пайтдан фойдаланиб у кишини ҳам суҳбатимизга тортидик.

- Аям мени жуда ёшлигимдан театрга олиб борарадилар. Санъатга ишқим ўшанда тушган. Мен излашиши, тинимиз сиз машқ қилишини аямдан ўргандим. Аям ўйда ролларини ёдлар, керак бўлса ўзгартишлар ҳам кирират эдилар. Бир сўз билан айтишада, онахонимдан миннатдорман, онахонимга раҳмат. Бахтимизга умрлари узоқ бўлсин.

- **Фарогат опа, муҳлисларимизга тилакларингиз!...**

- Энг аввало элу-юрт тинч бўлсин. Фарзандларимиз комил инсонлар бўлиб улфайишсин.

Басира САЙИДАЛИЕВА
Одил НУРМАМАТОВ туширган сурат.



Раҳматли Сойиб Хўжаев билан "Тошбolla ошик"да ижро этган Рисолат пари ролимни томошабинлар жуда яхши кутиб олишганди. Бизга Сойиб аюда кўп саҳна сирларини ўргатганди.

- **Муқимий театрининг бошқа санъат даргоҳларидан фарқи нимада?**

- Бошқа театрларда актёrlарнинг кўшиқ айтиши шарт эмас. Лекин бизнинг театримиз ўз номи билан мусиқалий театр-да. Рол ижро этган актёrlар кўшиқни ҳам маромига етказиб айтиши керак.

- **Санъаткорларнинг иши ҳамиша тифиз бўлади. Гоҳ, репетиция, гоҳо спектакл, бу ёқда оила ташвишла-**

да, қизим Махфиратон фармацевт, кенжам Азимжон эса санъат ўйлини танлади. Азимжоннинг ҳам аллақочон иккита набирави бор.

- **Шогирларингиз ва ҳамкасларингиз сизнинг тез-тез келиб туришкан...**

- Ҳа, энди театр менинг иккичи ўйимга айланиб қолган-да. Хозир нафақадаман. Лекин театрга бориб туришни канда қилмайман. Шогирларим Мехри Бекжонова, Зулайхон Бойконова, Наима Пўлатова, Мариям Ихтиёровал кўп келишади. Бир пиёла чой устидаги чак-чаклашамиз. Ўзим ҳам театр жамоасига ўрганиб қолганман-да. Сал келишмаса сориниб қоламан.

Будули. Нафас олиши ҳам сустлашиб қолди. Ҳудога нола кулиб, бир хафта қасалхона ховлисида ўтиридик.

Барака тоғур шифокорлар, ҳамширлар кечак-кундуз тиним билишмади. Аввалин Ҳудо, қолаверса шифокору, ҳамширлар сабаб болам дунёга қайта келди.

Ҳозир ширин-шакар Сайджонни эркалаганимда ўша шифокорларни ҳар куни эслайман. Бўлум бошлиги Ахтам Мансурович, шифокорлар - Ҳайрулло, Тошкент шахри

НАБИРАМНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШДИ

36 йилдан бери Тошкентдағи 1-босмахонада ишлаб келаётганим учунни китоб, газета, журнallарни ўйинши ёқтириман. Ўқимасам зерикиб қоламан. Мен учун унтилимас яхшилини кўлган инсонларга газета орқали раҳмат айтиб қолдилар. Кичик набирам Сайджон оғриб қолди. Нима бўлганини билмаймиз, 2,5 ойлик чақалоқ

чириллаб йиглайди, ичи кетапти, кечаси билан йиглаб чиқди. Тез ёрдам қақидик. Тинчлантирадиган укол килиб кетса ҳамки таъсири бўлмади. Эрталаб соат 8 ларда яна тез ёрдам қақидик. Келган шифокор йигит барака топсин, кўрди-то тез бўлинг, нарсаларни кейин оборишади деб болани кўтариб машинага тушиб кетди. Мен

ҳам орқасидан тушиб бирга кетдим. Бизни Юнусободдаги 2-юзумли касалликлар шифохонасига олиб боришиди. Кабулхонада болани кўриб тезгина жонлантириш бўлимишга қабул килишди. Ўтирик диарея дея ташкиши.

Болани ахволини кўриб, ундан айрилдим, деб ўйладим. Бир кечада бола адойи тамом

Оила ва жамият

Мақолада кељтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф хавобгар хисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқ килиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлзёзмалар таҳлил килинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб килинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20

Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35

Котибиҳат, хатлар: 34-25-46

Табриклир, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзиз: Тошкент - 700000

Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-йи.

Босишига топшиши вакти - 20.35

Босишига топширилди - 20.00

Газета таҳририят компютер базасида терилиди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуют тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176

ташиклилар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуют кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатта олинган.

Формати - G - 2026

Баҳоси эркин нарҳда.

Рассом - Н. ХОЛМУРОДОВ.

Нашр учун маъсуз муҳаррир - Ҳ. ТЎЙЧИЕВ.

Навбатчи - М. СОДИКОВ.

Миннатдорчилик

Равшанжон, ҳамширалар - Махфират, Халима, Дилдора, Матлуба, Малика, Сайёра, Мұхаббат, Дилором, Турсуной, Фотима ва бошқа ҳамма яхши инсонларга ўз миннатдорчилигинни билдираман. Уларнинг халқ соглиги йўйлагида оғир меҳнатлари учун раҳмат. Доимо ўзлари ҳам соғ бўлишсин, оиласи оиласи тинч бўлсин.

Наима СОЛИХОВА

Тошкент шахри